




Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг



**Ўзбекистон Республикаси
Президенти Матбуот хизмати сурати.**

9 май — Хотира ва Қадрлаш куни



“Ер юзида жуда камдан-кам давлат ва миллат бундай юксак инсоний фазилатлар билан ғурурланиши мумкин. Вақт ўтган сари Шомахмудовлар оиласи кўрсатган бу қаҳрамонликнинг аҳамияти ва қадри тобора ошиб бормоқда”.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Юксак меҳр-мурувват, оқибат ва бағрикенглик

бизга буюк аждодларимиздан мерос фазилатдир



Тарих — мактаб. Ўтмиш эса ибрат. Инсониятнинг минг йилликлар орасида топган ҳақиқатлари шундай! Бироқ қачон-лардир одамзодни зор қақшатган, ёстигини қуритган оғир мусибату кулфатлар, мислсиз талафоту йўқотишлар борки, улар туфайли ҳосил бўлган қалб жароҳатларининг асорати асларни қаритса ҳам исзисз йўқолмаydi.

XX аср башарият тақдирida Иккинчи жаҳон урушининг ўчмас асоратлари билан доғ қолдирди. Айниқса, олти йил давом этган даҳшатли қиргинбарот 50 миллиондан ортиқ кишиларнинг ҳаётига зомин бўлди. 90 миллиондан зиёд кишиларни ярадор ва майиб-мажруҳга айлан-тирди. Миллионлаб кексаларни, опа-син-гилларни, энг ачинарлиси, мурғак бола-ларни ўз туғилган еридан узок-узоклар-га кўчиб кетишга мажбур этди.

Тасаввур қилинг, вагонларда бомба-лар ваҳмидан, ўлим хавфидан юраклари ҳаприққан кексалар, тирқишлардан жон-сарақ мўралаган кўзлар... Қалбларда ҳадик ва кўркүв...

XX асрнинг қабиҳ кучлари зулмига уч-раб, елкалари пир-пир учиб, “Биз энди нима қилайлик?” дея наҳот истаган, қал-бига кўзёшлар тош бўлиб санчилган, қўллари муштага айланган гуноҳсиз бо-лалар...

Хўш, уларга ким паноҳ берди? Ким меҳр кучоғини очди?

— Бир майзини қирқ бўлиб еган халқ-миз, — дейди Бекобод туманида истиқо-мат қилувчи меҳнат факрийси Эргаш ота Рўзубоев. — Бағрикенглик, инсонпарвар-лик қон-қонимизга сингиб кетган. Бола-лигимиз уруш йилларига тўғри келди. Эсимда, шахару қишлоқларга олис ўлка-лардан мажбурий эвакуация қилинган бо-лалар пешима-пеш олиб келинарди. Улар орасида ҳатто ҳали эс-ҳушини таниб ул-гурмаган болақайлар ҳам бор эди. Ана шундай мураккаб ҳамда оғир шароитда халқимиз уларни ўз қанотига олди. Ота-лик, оналик муҳаббатини дариг тутмади. Буни таърифлашга тил ожиз. Силаи раҳм, шафқат, ҳиммат, эъзозу эътибор, бағри-кенглигининг қиёси йўқ китоби, ёдгорли-ги, бебаҳо хазинаси бу. Яна нима деб атай? Буни ҳис қилиш, юракдан ўтказиш керак ахир...

Энг улуг Ота ва энг улуг Она

Ўзбек шеърининг йирик вакили Фафур Ғулом машҳур “Сен етим эмас-сан” шеърини битганида ҳали қирқ ёшга ҳам тўлмаган эди. Қисқа ва сермазмун сатрлар орасига жо этилган мазмун-мо-ҳиятда эса нуроний донишманднинг меҳ-рибон қиёфаси балқиб турарди. Бари-кенглигининг қиёси йўқ китоби, ёдгорли-ги, бебаҳо хазинаси бу. Яна нима деб атай? Буни ҳис қилиш, юракдан ўтказиш керак ахир...

*Чўчима жигарим,
Ўз ўшндасан,
Бу ерда
на ғўрат, на офат, на ғам.
Бунда бор:
харорат, муҳаббат, шафқат
Ва меҳнат нонини кўрамыз баҳам,
Сен етим эмассан,
Ўхшд жигарим.*

Бу шеър ўзбек халқининг инсоний-лик фазилатларини шу қадар мужас-

сам эта олганки, барҳаёт шоирнинг ово-зи ҳар гал янграганида, одамлар “Сен етим эмассан”ни кутиб нафасларини инча ютишарди ўша пайт.

Ўша қақшатқин уруш даврида ватан-дошларимиздан қай бири икки, яна кимдир уч нафар болани қарамоғига олгани, уларга мураббийлик қилгани ҳақида тарихий маълумотлар жуда кўп. Хусусан, тошкентлик Шомахмудовлар оиласи 14 нафар, каттакўрғонлик Самадовлар оиласи 12, бухоролик Жўраев ҳамда Ашурхўжаевлар оиласи 8 нафар фронтда ота-онасидан ажраб, қаровсиз қолган етим гўдакларни оқ ювиб, оқ тарашди. Ўзбек халқининг азалий қадриятлари ана шу лаҳзалар-да яққол намоён бўлди. Меҳр-мухаб-бат туйғулари жўш урди. Эзгулиكنинг ёвузлик устидан ғалабаси муқаррар-лиги ҳақиқида азалий ўғитлар уларнинг иродасини мустаҳкамлаб, эртанги кун-га ишонч билан қарашга ўргатди. Шу тарика минг-минглаб турли миллатлар болалари бошларига дўппи қийиб, ўзбек тилида “нон”, “ота”, “она”, “ака”, “ука” каби оддий, аммо мазмунли ҳаёт акс этган сўзларни ўрганишди. Заводларда тутинган ота-оналари ёнида туриб меҳнат қилишди. Юрти-миздаги саноат корхоналарида улар-нинг жажжи кўчаларининг излари қол-ганини бүгун ҳеч ким инкор этолмай-ди. Ўзи емай, ўзи ичмай бу мурғак-ларга меҳр кўрсатган ўзбек халқимиз-нинг матонати, чинакам қаҳрамонлик ифодаси эди бу...

Таниқли адиб Раҳмат Файзий тош-кентлик Шомахмудовлар оиласининг ўшандаги матонати ҳақида “Ҳазрати инсон” деб номланган роман ёзди. Бу асар урушдан кейинги йилларда ҳам китобхоналар кўлидан тушмай, ёшларни оталар жасорати, уларнинг инсоний фа-зилатларидан ибрат олиб яшашга ўргати-б келди. Ўзбекистон халқ артисти, та-ниқли кинорежиссёр Шухрат Аббосов мазкур асар асосида ишлаган бадийий фильмни эса “Сен етим эмассан” деб номлади. Халқимизни эзгулик йўлида тарбиялашга интилган ўзбек ижодкор-ларининг асарларидаги юксак туйғулар бүгунги кунда ҳам ёшлар учун ибрат намунаси бўла олади. Бу фильмда ўзбек халқининг нақадар болаҳон ва танти-лиги, бағрикенг ҳамда олижаноблиги, меҳридаре ва инсонпарварлиги таъсир-чан сюжет ҳамда ҳаётий лаҳзалар асо-сида очиб берилган. Қолаверса, ҳақли савол туғилди: ўта оғир ва машаққат-ли йиллардан ҳикоя қилувчи ана шу бе-такрор асарлар нима учун бу қадар дов-қўр қозонди? Нега уларни ўқиганми-зда, томоша қилганимизда ёҳуд эшит-ганимизда ҳар гал қорачикларимиз намланади? Нима учун шундай меҳ-руриватли халқ фарзандлари эканли-гимиздан фахрланиб кетамиз, ғурури-миз ошади?

— Уруш йиллари Ўзбекистонга бир миллионга яқин кишилар паноҳ истаб келган, — дейди тарих фанлари номзо-ди, доцент Наргиза Хидирова. — Улар-нинг 200 мингдан зиёди болалар эди. Юзлаб ўзбек оилалари украинаник, бе-ларуслик ҳамда россиялик турли мил-латга мансуб болаларни ўз боласидай суйиб алқади. Меҳр берди, бошпана, озиқ-овқат, кийим-кечак билан таъмин-лади.

Биласиз, уруш даври воқеа-ҳодиса-ларини тарих саҳифаларига муҳрлаш, халқ руҳини кўтарувчи асарлар яратиш мақсадида олим уламолар, шоиру ёзувчиларнинг аксарияти фронт орти-да ўз фаолиятларини давом эттиришар-ди. Ана шулардан бир ғуруҳи Тошкент-да яшаб, ижод қилишган. Улар ораси-да дунёга машҳур рус шоираси Анна

Ахматова ҳам бор эди. Унинг қайдла-рида ҳар қандай юракни титроққа со-лиш қудратига эга қуйидаги салимий дил сўзлари учрайди:

“Миллий қадриятгина одамларни буюк дўстлик сари чорлаб, қалб ва тафаккурга садоқат ва жасорат туйғусини ҳада этади, одамийликни улуглашга имкон яратади. Инсонпарварликнинг юксак даражаси Шоаҳмад ва Баҳри аяларнинг қонимасмиди? Дунё остин-устун бўлаётган бир паллада шу қадар меҳрга зор норасидани яхши инсонлар қилиб етиштира олган бу икки зотни энг улуг Ота ва энг улуг Она дегимиз келмайдими?!”

Хўш, ана шундай улуглик мақомига эришган волидаю муҳтарама ҳамда па-дари бузрукворни нақадар қадрлаш ке-рак? Уларнинг тарих олидаги буюк хизмати, жасорату матонатини қанча-лик эътироф этиш лозим?

Менинг Ватаним — шу ер!

Дарҳақиқат, Шомахмудовлар ин-сонпарварликнинг юксак намунаси-ни кўрсатган оила сифатида тари-хда қолди. Тошкентлик темирчи Шоаҳмад ота ва унинг рафикаси Баҳри ая рус, украин, татар, молда-ван, чуваш, яхудий, қозоқ милли-лати мансуб 14 ўғил-қизни кўз қаро-ғида авайлаб улғайтиришди.

Бу оилда қамол топган қизлар-дан бири — Холида опа (асли исми Ольга) айни пайтда пойтахтимизнинг Жарариқ маҳалласида истиқомат қилади. 82 ёшни қоралаган онахон ўзбек тилида бурро-бурро сўзлаша-ди. Уруш йилларини юраги энтикиб ёдга олади.

— Адамлар, оймлларнинг ҳаёти ўзи биз учун катта мактаб эди, — дея ота-онасини юксак соғинч, кўзда ёш билан хотирлайди Холида опа. — У маҳалларда бир кишининг нон топиб ейиши ҳам қийин эди. Адам-лар темирчилик қилиб топиб кел-ганларини ўзлари емасалар ҳам, оғзимизга туттишга ҳаракат қиларди-лар. Кийим-кечак, пойабзал ҳам йўқ эди. Шунинг учун у кишининг эски чопонлари, бир-биримизнинг йирти-либ тугаёвзган кийимларимиз ҳам ташлаб бўйорилмасди. Ямоқ-ясқоқ қилиб, тикиб-чатиб, онам улардан кийса бўладиган кийимлар тикар эдилар.

Холида опа давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Шомахмудовлар оиласига қўйилган ҳайкал пойтахти-миздаги марказий майдонлардан бирига ўрнатилаётганидан беҳад мамнун.

— Бу ҳайкал ўз жойига қайтарил-ганини эшитганимдан кейин тушим-га ойим кирдилар. Бошларига оппоқ рўмол ўраб олган, кийимлари озо-да, лабларига табассум бор эди. Нимадир демокчи бўлаётганларида уйғониб кетдим... Анча вақт ўзимга келолмай ўтирдим. Назаримда, оймнинг руҳлари шод бўлди...

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Иккинчи жаҳон уруши йилларида юксак меҳр-мурувват ва оқибат кўрсатган ана шу оиланинг жасора-тини алоҳида қайд этиб ўтар экан, “Ер юзида жуда камдан-кам давлат ва миллат бундай юксак инсоний фазилатлар билан ғурурланиши мумкин. Вақт ўтган сари Шомахмудовлар оиласи кўрсатган бу қаҳрамонликнинг аҳамияти ва қадри тобора ошиб бормоқда”, дея ало-

ҳида таъкидлади. Шунингдек, “Та-рихий ҳақиқатни қарор топтириш, халқимизнинг эзгу фазилат ва қад-риятларини абадийлаштириш учун, Шомахмудовлар оиласига бағишлан-ган, “Халқлар дўстлиги” деб номлан-ган ёдгорлик ансамблини пойтахти-миз марказидаги майдонга қайтар-сак, адолатли бўларди”, дея қайд этиб ўтди.

Айни кунларда пойтахтимиз мар-казидаги майдонда иш қизгин. Бу ерда минглаб ишчи-мутахассислар кечаю кундуз бунёдкорлик ҳамда ободонлаштириш ишлари билан банд. Ҳадемай, бу ерда буқилмас ирода ва жасорат намунасини кўрсатган Шомахмудовларга бағиш-ланган монументнинг қад ростлаши, яъни инсон меҳрига қўйиладиган

ёдгорлик уларга ғайрат-шижоат бахш этаётган бўлса, не ажаб!

— Урушдан кейин акам қидириб келиб, олиб кетмоқчи бўлганди, —



рини кўрган онахоннинг қўли доим дуода.

Айтмоқчи, ҳозир Гиждувонда ўн на-фар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси ҳаёт. Улар давлатимиз ва халқимизнинг эъзосида.

Бахтли ҳаёт кечирешнинг энг асосий омили, бу — тинчлик. Ахир шундоқина остонаси олдида ўқ овози эшитилиб тур-са, кўча ҳатлаб чиққан каттаю кичик мил-тиққа нишон бўлса, ким ҳам ўз уйида хотиржам ухлай оларди?! Ёки бир бур-да нон, бир култур сувга зориқиб яшай-диганлар йўқми бугун дунёда?! Тошқин-лар, зилзилаю тўфонлар туфайли ёстиги қуриб кетаётган минг-минглаб оилалар-чи? Хўш, шуларни қўриб, билиб, нега юртимиздаги осудалик, тўқлик-фаровон-лик, Истиқлолимизни кўз қорачигидек асраб-авайламаслигимиз керак?!

Бу йил дориламон кунларда Хотира ва Қадрлаш кунини кутиб олаётган юртдошларимиз кўнглидан ана шундай уйлар кечаётганига шак-шубҳа йўқ.

— Оиламиз уруш йилларида Одесса шаҳридан кўчиб келган, — дейди Навоий шаҳрида истиқомат қилувчи Владимир Поletaев. — Отам ўша давр-ларда ўзбек оилалари серфарзандли-гига қарамай, эвакуация қилинганлар учун уйларининг туридан жой беришга-ни, топган-тутганларини ҳиммат билан ўртага қўйишгани, асосийси, одам зо-тига миллатидан, динидан қатъи назар, Ҳазрати инсон деб қарашлари хусусида кўп сўзларди. Ҳамиша “Биз бу замин-дан, бу халқдан бир умр миннатдор бўлишимиз керак”, деб ўқитарди. Шу сабабли оиламиз билан Ўзбекистонни Ватанимиз дея қабул қилганмиз. Унинг тараққиётига ҳисса қўиши учун астой-дил меҳнат қилиб келаяпмиз.

— Бу йилги байрам ҳаётимизда янада ёрқин из қолдираятпи, — дейди Чуст ту-манидаги Варзик қишлоғида яшовчи Ик-кинчи жаҳон уруши қатнашчиси Умархон ота Жўраев. — Давлатимиз раҳбари то-монидан яратилган имкониятдан фойда-ланиб, Ялтанинг машҳур сихатгоҳига отланиб турибман. Яқин вақт ичида ўғлим Самихон билан йўлга чиқамиз. Бошқа кўплаб фронтчилар қатори бекиёс эъти-

Фашизмнинг тор-мор қилинишида, айниқса, Ўзбекистонда уруш йилларида ишлаб чиқарилган қурол-аслаҳалар катта аҳамият касб этгани алоҳида эътиборга молик.

Далилларга кўра:

2100 та самолёт,
17342 та самолёт мотори,
17100 та миномёт,
60000 та ҳарбий кимёвий анжом,
1 миллион дона граната,
3 миллиондан ортиқ радиолампалар,
27000 та танкка қарши отадиган замбарак қисми,
2 миллион 318 минг дона авиация бомбаси,
22 миллион дона мина,
560000 дона снаряд,
5 та бронепоезд,
2200 та кўчма ошхона
қўшинларга етказиб берилган.

бордан дилим яйрайди, умримга умр қўшилаяпти.

Тўқсон уч ёшдаман. Ҳаёт йўлими ёдга олар эканман, халқимиз бошига кулфат солган уруш умрим баҳорини зимистонга айлантиргани кинотасмасидек бирма-бир кўз олдимдан ўтади. Ўн саккиз ёшида фронтга отланган куним онахоним “На-сибанг узилмасин”, дея нон тишлатгани

Халқ сўзи

2018 йил 1 май

кечагидек эсимда. Умрим бор экан, икки оёғим ногирон бўлса-да, туғилган ошё-нимга қайтдим. Урушда кўп нарсани йўқотдик. Бироқ бир нарса таскин бера-ди: биз инсоният озодлиги учун, фашизм деган балони Ер юзидан супуриб таш-лаш учун жонимизни тикдик. Ғалаба эса осонликча қўлга қиритилмагани барчага аён. Ярим миллион нафардан зиёд юрт-дошларимизнинг қутлуг қони, жанглардан соғ-носоғ қайтган инсонлар фидойилиги унда мужассам. Бугун саккиз фарзандим, юзга яқин невара-чевараларим атрофим-да парвона. Яхши инсонлар ардоғида дав-латимиз ғамхўрлигини ҳис қилиб яшаял-ман. Байрам арафасида Президентимиз томонидан моддий, маънавий рағбат-лантиришимиз қалбимизни янада ча-роғон этди. Уруш балою қазо. Ҳеч қачон бошқа ёпирилмасин. Тинчлик-омонлиги-мизга, бахту иқболимизга кўз тегмасин.

Шу ўринда уруш даврининг нимага-дир кўп тилга олинмайдиган, мазмунида улкан меҳнат, фидойилик, матонат ва ирода акс этган рақамларига мурожаат қилайлик. Ўша йиллари Ўзбекистон аҳолиси томонидан мудофаа жамгарма-сига 649,9 миллион сўм нақд пул, 4 миллиард 226 миллион сўмлик заём, 52,9 килограмм олтин ҳамда қумуш топ-ширилган. Фронтга 7 миллион 518 минг 800 та гимнастёрка, 2 миллион 636 минг 700 та пахталик, 2 миллион 221 минг 200 та этик ва кўнжли ботинка обори-лан. Енгил саноат корхоналари томони-дан 246 миллион сўмликдан зиёд турли маҳсулотлар, шунингдек, 1 миллион 282 минг тонна ғалла, 482 минг тонна картошка ҳамда сабзавот, 1000 тонна по-лиз маҳсулотлари, қуруқ ва ҳўл мевалар жўнатилган.

Аслида бу мисолларимиз, фикр-му-шоҳадаларимиз бутун дунёга маълум. Шундай бўлса-да, “Мозийга қайтиб иш кўрмоқ хайрли”, деганларидек, ота-бо-боларимизнинг қадри асларга тати-гулик, таъбир жоиз бўлса, ўзбек хал-қига хос тенги йўқ меҳр-оқибатнинг буюк қиссасидан айрим лаҳзаларни

Фаррух БЎТАЕВ.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Президент ташрифидан сўнг...

Бир пайтлари мўл-кўл пахта етиштирсалар-да, ўзлари оддий читни ҳам навбатда туриб сотиб олган ота-боболаримизнинг бир орзуси бўларди: у ҳам бўлса, пахта толасидан тайёрланадиган мато ва кийим-кечакларни юртимизда ишлаб чиқариш эди. Шукрки, бугун уларнинг армони рўёбга чиқиб, мамлакатимиздаги ўнлаб замонавий корхоналар томонидан тайёрланаётган маҳсулотлар нафақат бозорларимизни тўлдирмоқда, балки хорижда ҳам харидоргир бўлиб бораёпти. Айни чоғда ушбу тизимда пахтачилик-тўқимачилик кластерлари жорий этилаётганлиги мазкур йўналишдаги ишларни замонавий босқичга олиб чиқмоқда.

Президентимизнинг Сирдарё вилоятига ташрифи ҳам айнан юртимиз иқтисодиётидаги янги тузилмалардан

бири — “Бек кластер” корхонаси иши билан танишишдан бошлангани бежиз эмас. Айтиш жоизки, мазкур корхона лойиҳаси давлатимиз раҳбарининг ўтган йили ҳудудга қилган ташрифи чоғида тақдим этилганди. Ушбу тақлиф Юртбошимизнинг 2017 йил 15 сентябрдаги “Сирдарё вилоятида замонавий пахтачилик-тўқимачилик кластерини барпо этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида қўллаб-қувватланди.

Қарорга кўра, масъулияти чекланган жамият шаклидаги “Бек кластер” кўшма корхонаси инновацион технологиялар ҳамда илғор бошқарув усулларини фаолиятининг бош мезони этиб белгилаб олди. Бундай янгича ёндашув, аввало, ер унумдорлигини ошириш чора-тадбирлари билан бошланганлиги эса эътиборга молик.



риш режалаштирилмоқда. Жорий йилда эса Жанубий Корея технологияси асосида қурилаётган 100 гектарлик замонавий иссиқхонанинг 40 гектари фойдаланишга топширилади. 200 гектар тоқзор ва шунча анорзор яратиш бошлаб юборилди.

Корхонанинг яқин келажақ учун белгиланган 10 та лойиҳаси амалга оширилиши туфайли 10 минг киши доимий иш билан таъминланади. Хусусан, жорий йилнинг иккинчи ярмида бир кеча-кундузда 330 тонна пахтадан қайта ишлайдиган қувватга эга завод қурилиши аяқунланади. Шунингдек, келгусида дон комбинати, шолини қайта ишлаш, ёғ заводалари, чорва озукаси тайёрлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қуриштиш линиялари ҳам таъмин этилади. Бу борада корхонанинг органик ўғитлар ишлаб чиқаришини йўлга қўйиш бўйича ташаббуси эътиборга молик.

Шу ўринда корхона раҳбари Улугбек Сотиболдиевнинг “Экологик тоза маҳсулот — Ўзбекистонимизнинг энг асосий бренди бўлишни орзу қиламан. Негаки, бугун жаҳон бозоридида талаб ҳам шу”, деган эзгу ниятини келтириш мақсадга мувофиқдир.

Сўхбатдошимиз кластер корхонаси ҳудудидаги аҳоли бандлигини таъминлаш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида Глобал экологик жамғарма, Жаҳон банки, БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги таъминоти (ФАО) каби халқаро муассасалар грантлари асосидаги лойиҳаларни амалга ошириш режалари борлигини ҳам баён қилди. Яна 2 минг гектар майдонда туя ва йилқи боқиб йўлга қўйилади. Шу асосда ҳудудда туя сути билан муолажа олиб борадиган клиника очилади. Қолаверса, 8 та богча таъмин этилиб, кластер корхонаси хўжаликлари атрофида яшовчи аҳоли фарзандларига мақтабача таълим жараёнига қатнаш имконияти яратилади.

Шунингдек, кластер усулида яқин келажақда пахта ҳосилдорлигини 70 центнерга етказиш белгилангани таҳсинга лойиқ. Бундан келадиган даромаддан эса пахтачи етиштирган деҳқон ҳам, қайта ишлаган ҳамда тайёр маҳсулотга айлантирган саноатчилар ҳам, қўйингки, соҳага алоқадор барча аъзо бирдек манфаатдор бўлади.

Президентимизнинг кўшма қорхонамизга ташрифи чоғида билидиган юксак ишончи жамоамизга катта куч ва ғайрат бахш этди, — дейди У. Сотиболдиев. — Берилган тавсия ҳамда топшириқлар эса нафақат бизнинг қорхонамиз, балки юртимиздаги барча турдош қорхоналар, умуман, қишлоқ хўжалиги, қайта ишлаш соҳаси субъектлари учун бирдек фойдали бўлди. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг иссиқхона конструкциялари ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, мева-сабзавотчилик бўйича мутахассислар тайёрлаш, кластер қошида ташкил этиладиган илмий-амалий марказ фаолиятини такомиллаштириш, қишлоқ хўжалиги соҳасига илмий ёндашувни кучайтириш, сифатли маҳсулот етиштириш унинг харадориини топиш юзасидан кўрсатмаларини ўзимиз учун энг асосий вазифалар қилиб белгилаб олдик.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Сирдарё вилоятидаги “Бек кластер” корхонаси фаолиятининг асосий мезонига айланган



Ер унумдорлигини оширишнинг янги усули

— Тупроқшунослик институти билан ҳамкорликда кластеримиз ихтиёрига ажратилган ҳар бир даланнинг икки метрча бўлган чуқурликдаги тупроқ таркиби ўрганиб чиқилди, — дейди “Бек кластер” корхонаси раҳбари Улугбек Сотиболдиев. — Германия технологиясига мувофиқ бажарилган илмий таҳлиллар натижасига асосан, экин майдонларига тегишли мелiorатив-агро-техника тадбирлари белгиланди. Хусусан, Мирзачўл ер шароитига хос бўлган гипс қатламини ёришча алоҳида эътибор қаратилмоқда. Сўнгра шўр ювиш ва тупроқ таркибини яхшилаш, ирригация-мелиорация тизими ҳолатини тартибга келтириш юмушлари ҳам амалга ошириляётир. Ер текислаш эса лазерли воситалар орқали бажариляпти.

Эътиборлиси, кластерда юқорида айтилган ўрганишлар натижалари асосида 2018 — 2022 йилларга мўлжалланган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш дастури қабул қилинган бўлиб, унга мувофиқ, ер унумдорлигини ошириш мақсадида 3/2 схема асосида алмашлаб экиш тартиби қатъий йўлга қўйилмадиган бўлди. Яна бир янгиллик, тажриба сифатида ярим алмашлаб экиш кўринишидаги ғўза ҳамда соя ўсимлигини аралаш ҳолда экиш мўлжалланаёттир. Шу мақсадда тупроқ унумдорлигини оширишга ёрдам берадиган паст бўйли ва эртапириш соя нави уруғини кўпайтириш бўйича амалий ишлар бошлаб юборилди. Айни пайтда бу усул ер ҳамда бошқа ресурслардан янада унумли фойдаланишни таъминлашга хизмат қилади.

Жорий йилнинг охирида тупроқ таркибини гумус билан тўйинтириш мақсадида 3 минг гектарда “Яшил ўғит” технологияси қўлланилиши режалаштирилган. Бунинг учун ҳозирги кунда 40,6 гектар майдонда уруғлик олиш мақсадида Сербиядан келтирилган арпа, буддой, сули, жавдар, тритикале, рапс сингари

экинлар ўстирилмоқда. Шунингдек, ушбу йўналишда Гулистон давлат университети олимлари томонидан маҳаллий боқла зироати асосида яратилган вика ўсимлигидан фойдаланиш ҳам кўзда тутилган. Қолаверса, галладан бўшган майдонларда тарқоррий экин сифатида шолӣ ўстирилиб, унинг сувида балиқ парвариллаш ҳам йўлга қўйилади.

“Бек кластер” дастлабки йили чигит экиш мавсумидаёқ юртимиз деҳқончилигида халқ кузатилмаган янги усулни жорий этди. Яъни ғўза қатор ораларининг 76/5 шакли танланди. Мутахассисларнинг фикрича, жаҳон тажрибасида синналган ушбу усул “Бек кластер”нинг ҳозирча унумдорлиги паст бўлган экин майдонлари учун жуда мос ҳисобланади. Яна бир жиҳат эса, чигит олти қаторли сеялқаларда ерга қадалмоқда. Туркиядан келтирилган мазкур экиш технологиялари нафақат иш унумдорлигини ошириши, балки деҳқончилик тадбирини ўта аниқлик ҳамда уруғларнинг белгиланган микдорда ўз жойига тушишини ҳам кафолатлайди. Бундай усулда ундирилган ғўза кўчатлари яғана қилинмайди, ўсимлик учун зарур бўлган керакли фосфорли ўғитни ҳам бир йўла солиб кетади. Яна бир эътиборли томони, 76/5 схемасида одатдаги экиш шаклидаги 10 гектар майдондаги ғўза сонига нисбатан 1 гектар кўп бўлган микдордаги кўчатни жойлаштириш мумкин экан.

Кластерда жорий йил 13 минг 988 гектар майдонда ғўза парварилланади. Ҳосилдорлики йилдан-йилга ошириш ҳисобига пахта хом ашёси етиштиришни биринчи уч йилда 42,6 минг тоннадан камайтирмаслик ва кейинги йиллардан бошлаб эса орттириб бориш режалаштирилган.

Автопилот бошқаруви ва дронлар

Кластер корхонаси томонидан дала ишларидан қўлланиладиган одатдаги уч гилдиракли тракторлар ўрнига тўрт гилдираклиларидан фойдаланиляётир. Бунинг афзаллиги нимада?

Энг илғор технологиялар олиб келиниб, ишлаб чиқаришга татбиқ этилди. Бунинг учун 14 миллиард сўмлик банк кредитидан унумли фойдаланилди.

Ушбу корхона қандли диабет билан касалланган беморлар учун инсулин дори воситаларини тайёрлашга ихтисослаштирилган. Маҳсулотнинг 20 фоизи мамлакатимиз эхтиёжини қондирса, қолган 80 фоизини экспорт қилиш кўзда тутилган.

Айтиш жоизки, вилоятда фармацевтика саноатини ривожлантириш, импорт ўрини босувчи дори воситалари ҳамда бир марталик тиббиёт буюмлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида махсус дастур ишлаб чиқилган. Унга кўра, умумий қиймати 24,2 млн. АҚШ долларига тенг 23 та инвестициявий лойиҳа амалга оширилиши режалаштирилган.

— АҚШнинг “New Holland” компаниясидан олинаётган “TD5-110” русумли тўрт гилдиракли тракторларнинг афзалликлари кўп, — дейди “Бек кластер” кўшма корхонасининг техникаларни таъмирлаш ва сервис хизмати кўрсатиш маркази раҳбари Баҳодир Тожиқулов. — Аввало, у техник жиҳатдан хавфсиз ҳамда анъанавий қўлланишда бўлган уч гилдиракли тракторларга нисбатан 30 от кучи юқори қувватга, яъни 110 от кучига эга. Иш кўлами шунга яраша. Масалан, олти қаторли экиш ёки ишлов бериш воситасини тақиш имконияти билан уч гилдиракли тракторлар томонидан дала бошига уч марта бориб келингандаги ишини икки мартада сифатли амалга ошира олади. Бу эса ёнилғи-мойлаш материаллари тежалишини таъминлаш баробарида, вақтдан унумли фойдаланишда кўл келади.

“Бек кластер” раҳбарининг билдиришича, айни чоғда мазкур тракторларга пахта териш ускуналарини ўрнатиш бўйича Тошкент қишлоқ хўжалиги техника заводи билан ҳамкорлик ишлари бошлаб юборилган. Қолаверса, қишлоқ хўжалиги техникаларини тўлиқ компьютер бошқарувиға ўтказиш ва қатор ораси ишловларини GPS тизими аниқлигида олиб бориш бўйича АҚШнинг “Trimble” компанияси билан шартномалар

хотирасига қиради. Шу боис кейинги тадбирлари бажариш чоғида ҳам ҳеч қачон адашмайди. Яъни у кўчат қаерда жойлашганини “сезади.” Бундай сифатли ишлов эса бегона ўтларни йўқотиш ва ғўза қатор ораси хизмати кўрсатиш билан боғлиқ ишларда кўл кунидан фойдаланишга эҳтиёж қолдирмайди.

Таъкидлаш лозимки, кластернинг техника паркига пахта ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришни инновацион технологиялар асосида амалга ошириш учун 100 та “TD5-110” русумли тўрт гилдиракли трактор олиб келинаёттир. Шу билан бирга, мазкур агрегатларни Жанубий Корея технологиялари асосида тўлиқ газ билан ишлашга ўтказиш режалаштириляётир.

Ҳозирги кунга қадар, Туркиядан 40 та чигит экиш сеялқаси, 100 та культиватор ва 30 та лазерли ер текислагич, Россия Федерациясидан юқори қувватли ҳамда иш самарадорлигига эга 20 та “K-744” русумли қишлоқ хўжалиги техникаси олиб келинди. Шунингдек, кўшма корхона ихтиёрида ирригация ва мелиорация тадбирлари учун 10 та экскаватор ҳамда тупроқ ишларини бажарувчи иккита трактор ҳам мавжуд.

Қишлоқ хўжалиги экинлари зараркунданларига қарши курашишда ҳам янгилликка кўл урилмоқда. Хусусан, биомаҳсулотлар аниқ тизим асосида ва ўз вақти-

✓ Жорий йилнинг охирида тупроқ таркибини гумус билан тўйинтириш мақсадида 3 минг гектарда “яшил ўғит” технологияси қўлланилади.

✓ Аҳолининг 400 гектар томорқасига экиш учун қалампир кўчатлари тарқатилмоқда.

✓ Ишчиларга тўланадиган ойлик иш ҳақларидан ташқари қалампирдан олинган фойданинг 50 фоизи даромад сифатида берилади.

✓ Жанубий Корея технологияси асосида қуриляётган 100 гектарлик замонавий иссиқхонанинг 40 гектари шу йилнинг охиригача фойдаланишга топширилади.

✓ Корхонанинг яқин келажақ учун белгиланган 10 та лойиҳаси амалга оширилиши туфайли 10 минг киши доимий иш билан таъминланади.



имзоланган. Мазкур технология тажрибада синалмоқда.

Автопилот бошқарувидан қўлланиладиган самара ҳам жуда юқори. Хусусан, ушбу усулда ишлатиладиган трактор билан ишчи органларини ғўзага асло шикаст етказмаган ҳолда унга яқин олиб келиш мумкин. Негаки, ўша ускуналар орқали эгатидаги ҳар бир Nicholson жойи чигит экиш вақтидаёқ автопилот

да далага чиқарилсагина самара беради. Мисол учун, белгиланган талаб бўйича трихогорамма 1 гектар майдоннинг 400 нуктасига қўйилиши керак ҳамда бу иш ҳар 3-4 кунда такрорланиши зарур. Шу боис ушбу тадбирни минглаб гектар майдонда қўл кучи билан амалга ошириш яхши самара бермаслиги ҳисобга олиниб, уни бажаришда “дрон”лардан фойдаланиш мўлжалланаё-

қадор олий ўқув юртлиари ва илмий-тадқиқот институтларининг малакали олимларини, қолаверса, хориждан ҳам мутахассисларни жалб қилган ҳолда, “Бек кластер” МЧЖ кўшма корхонасининг “Ўсимлик маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш технологиялари илмий маркази” ташкил қилинаётгани фикримиз далилидир.

Ҳозирча бу борада Гулистон

МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ

Замонавий корхонанинг кенг имкониятлари

Андижон туманида йилига

10 миллион дона

флакон инсулин дори воситаси ишлаб чиқариш қувватига эга “Zamin Bio Health” масъулияти чекланган жамияти фаолият бошлади.

Президентимиз ўтган йили вилоятга ташрифи чоғида ушбу лойиҳа тақдими билан танишиб, бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтириш ҳусусида тавсия ҳамда кўрсатмалар берган эди. Орадан кўп ўтмай, қорхонанинг замонавий биноси қад ростла-

ди. Энг илғор технологиялар олиб келиниб, ишлаб чиқаришга татбиқ этилди. Бунинг учун 14 миллиард сўмлик банк кредитидан унумли фойдаланилди.

Ушбу корхона қандли диабет билан касалланган беморлар учун инсулин дори воситаларини тайёрлашга ихтисослаштирилган. Маҳсулотнинг 20 фоизи мамлакатимиз эхтиёжини қондирса, қолган 80 фоизини экспорт қилиш кўзда тутилган.

Жорий йилнинг ўзида вилоятда 15,1 млн. АҚШ долларлик 5 та фармацевтика корхонаси ишга туширилиши ва мавжуд қувватларни модернизация ҳамда реконструкция қилиш ҳисобига инфузион эритмалар, антибиотиклар, ампула, таблетка, капсула шаклидаги дори воситаларининг четдан олиб келинишига ҳолат қолмайди. Ақсинча экспорт ҳажми оширилади. Шунингдек, бир марталик шприцлар, системалар, шиша идишлар ҳамда доривор ўсимликлар таркибидан экстракция усули билан актив доривор субстанциялар ишлаб чиқариш ўзлаштирилади.

Корхонанинг очилиш маросимида вилоят ҳокими Ш. Абдурахмонов сўзга чиқди.

Саминжон ҲУСАНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



Хурсанбек АРАББОВ олган сурат.

Хамжиҳатлик

Ўзбек ва туркман халқларининг бирдамлиги рамзи

30 апрелдан эътиборан пойтахтимиздаги “Ашхобод” сайилгоҳи аҳоли учун хизмат кўрсатишни бошлади.



Мазкур сайилгоҳ ўзининг кўрам қиёфаси, теран мазмуни билан ўзбек ҳамда туркман халқларининг дўстлик рамзига айланди. Бу ердаги ҳар бир объектда икки халқнинг миллий анъана ва қадриятлари, эзгу тугумлари тимсолини кўриш мумкин.

Боққа кираверишда туркман халқи учун гурур рамзи — аҳалтеке отлари ҳайкалларида иборат яхлит композиция бунёд этилган. Йўлак бўйлаб юраккансиз, бири-бирдан ажиб фаввораларга кўзингиз тушади. Дам олувчилар учун ёқимли иқлим ҳосил қилган ҳар бир фаввора ўзига хос шакл ҳамда мазмунга эга. Масалан, “Осмон ва замин” деб номланган фаввора бутун инсониятга хос бўлган азалий ҳикматлар ҳақида сўзлаётгандек...

Сайилгоҳнинг яна бир эътиборли жиҳати Ашхобод халқроқ аэропорти тимсолида барпо этилган 450 ўринга мўлжалланган амфитеатрдир. У турли кўнглиночар томошалар, байрамлар, шоулар учун мўлжалланган бўлиб, замонавий техника ускуналари билан жиҳозланган.

Богни кўкаламзорлаштириш борасидаги ишларга алоҳида тўхталиш жоиз: бу ерга экилган қарагай, қрим қарагайи, ҳинд настрини, эман, каштан, магнолия, аризона кипа-



риси, сальвия, мовий арчалар атрофга тароват бағишлаб турибди. Яшил майсалар, чирой очган турфараң гуллар кишига баҳорий кайфият улашади.

Очиқ ҳамда ёпиқ типдаги ўйин аттракционлари, нуронийлар маскани, бежирим ўриндиқлар, телефонларни қувватлантириш ва бепул Wi-Fi зонаси, умумий овқатланиш ҳамда хизмат кўрсатиш шохобчалари аҳолининг мазмунли дам олиши учун яратилган яна бир қўлайликлардандир.

— Ўзбекистонда барча миллат ва элатлар қатори биз, туркманларнинг яшаши, ишлаши, дам олиши, ҳаётда ўз ўрнини топиши учун неки шароит зарур бўлса, ҳаммаси муҳайё қилинган, — дейди Бибисора Аветурдиева. — Пойтахтимизда “Ашхобод” сайилгоҳининг очилиши эса кўнглимизда янада кўтариб юборди. Бу сайилгоҳ тарихи туташиб, тугуми ўхшаш икки халқни бундан-да жипс-лаштиради, улар ўртасидаги бирдамлиқни, меҳр-оқибатни янада мустаҳкамлайди.

Дилшод КАРИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.



«Бойсун баҳори»:

МИЛЛИЙ АНЪАНА ВА ҚАДРИЯТЛАР ТАРАННУМИ

Бойсун туманида Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Сурхондарё вилояти ҳокимлиги ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида “Бойсун баҳори” фольклор фестивали ўтказилди.

Тамаддун бешиги, тилсимотлар маскани Бойсун 2001 йилда ЮНЕСКО томонидан “Инсониятнинг оғзаки ва номоддий мероси дурдонаси” сифатида эътироф этилиб, 2008 йилда Инсониятнинг номоддий маданий мероси репрезентатив рўйхатига киритилган.

Фестиваль

“Бойсун баҳори” фестивалига 2002 йилда асос солинган бўлса-да, 11 йиллик таърифсиздан сўнг, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил ноябрь ойида Сурхондарё вилояти сайловчилари билан учрашувида бу нуфузли анжумани қайта тиклаш бўйича ташаббуси воҳа жамоатчилигига катта мамнуният бахш этди.

Таъкидлаш жоизки, бу йилги тадбирга тайёргарлик кўриш ва ўтказишга доир ишлар ҳар қанонгидан юқори савияда амалга оширилди. Хусусан, тумандаги Паданг қишлоғи кенгликларига юздан ортиқ ўтовлар тиклиди. Маҳаллий аҳоли ва хорижий сайёҳларга кўтаринки кайфият улашувчи бири-бирдан қизиқарли тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Ҳар бир ҳудудга хос қадрият, урф-одат ҳамда анъаналарни кенг намойиш қилиш мақсадида халқ амалии санъати ва хунармандчилиги, миллий таомлар, либослар кўргазмалари ташкил этилиб, халқ ансамбллари бадийий жамоалари, бахши-оқинлар чиқишлари ҳамда анъанавий майдон томошаларига кенг ўрин берилди.

Фестивалнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси маданият вазири Б. Сайфуллаев, Сурхондарё вилояти ҳокими Э. Турдимов ва бошқалар мамлакатимизда маданият ҳамда санъат соҳасини янада ривожлантириш борасида Президентимиз ташаббуси билан амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар, айниқса, халқ ижоди анъаналарини муҳофаза қилиш,



Жонибек ҚЎЗИМУРОДОВ (ЎЗА) олган сурат.

ланган майдон гўё эртаклар оламини ёдга солади, — дейди чехиялик археолог Ладислав Станко. — Бундай тадбирлар ўтмиш ва бугун ўртасида ўзига хос кўприк вазифасини ўтайди. Юртингизнинг бой моддий ҳамда номоддий меросига бўлган катта қизиқишим мени фестивал тадбирларига бошлаб келди. Худуднинг хунармандчилиги, унинг бекорор анъаналарини ўрганиш жуда ҳам завқли. Ранг-баранг дастурлар, урф-одат

мизда фаолият кўрсатаётган “Бес перде”, “Зилпол”, “Вардонзе навалари”, “Богдон гуллари”, “Вангози”, “Ер-ёр”, “Сўх чашмаси”, “Ойдиной”, “Чавқи”, “Сирдарё навалари”, “Қурама”, “Нодирабегим”, “Бойсун”, “Шалолла” каби энг намунали фольклор жамоаларининг 250 нафардан ортиқ катнашчилари ўзларининг ранг-баранг репертуарларини намойиш этишди. Бундан ташқари, фестивал доирасида халқимиз суйган санъаткорлар ҳамда Тожикистон

Республикасининг “Падида” театр жамоаси ва таникли хонанда Шабнам Сурайё, афғонистонлик ҳофиз-хонандлар иштирокида ўтказилган гала-концерт санъат ихлосмандларини хушнуд этди.

— “Бойсун баҳори” фестивали биз, бахшиларни бир даврага жамлади, — дейди Ўзбекистон халқ бахшиси Шоберди Болтаев. — Бу ерда юртимизнинг турли ҳудудларидан келган бахшилар терма, дostonлар куйлаб, байрам тадбирига ўзгача шукӯх бахш этди. Ҳаммамиз яйраб, завқ олдик.

Халқроқ аэроавиатика ассоциацияси делегациясининг мазкур фестивалда иштироки, тантаналар бўлиб ўтган майдон узра 6 та ҳаво шарининг осмонга кўтарилиши кўпчиликка завқ-шавқ улашди. Бойсун осмонини безаган ранго-ранг мушаклар ёғдуси дилларга ажиб кўтаринчилик, жўшқинлик бахш этди.

Бундан ташқари, фестивал кунлари кураш, тош кўтариш, арқон тортиш, хўроз уриштириш, варрак сайли каби турли халқ ўйинлари ҳам ташкил этилди. Чунинчи, кураш мусобақаси бош соврини — “Нексия” автомашинаси учун бахслар мurosасиз ва қизгин кечди. Юртимиз ҳамда кўшни давлатлардан келган полвонлар орасида термизлик Самижон полвон Ўбайдуллаевга бас келадигани топилмади.

Фестивал доирасида Термиз давлат университетидида “Бойсун — моддий ва номоддий маданият бешиги” мавзусида илмий-амалий конференция ҳам бўлиб ўтди.

“Бойсун баҳори” фольклор фестивали якунида энг яхши фольклор-этнографик жамоалар ва бахши-оқинлар аниқлаб, улар махсус диплом ҳамда эсдалик совғалар билан рағбатлантирилди.

Илҳом РАҲМАТОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ХИТОЙДАН СИФАТЛИ ВА ИШОНЧЛИ ОМБОРХОНА ТЕХНИКАСИ

HANGCHA

Компания ўз техникасини 1956 йилдан буён ишлаб чиқаради.

Тошкентдаги омборхонадан

«GST OIL» — Ўзбекистондаги расмий дистрибьютор

Манзил: Тошкент ш., Яшнобод т., Исск сув к., 118.
Телефонлар: (0-371) 269-29-61, 269-29-62, (+99890) 356-47-67.
E-mail: dilmurod_gst@yahoo.com
Веб-саҳифа: www.hyundai-gst.uz

Махсулот сертификатланган.

АСАКА
BANK

ХУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

«Асака» банки

Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили муносабати билан ҳисобварақларни масофадан туриб бошқариш тизимини такомиллаштириш мақсадида

миллий валютадаги муддатли янги омонат турини таклиф этади:

«MOBILE-UZ»

Мазкур омонат «АСАКА MOBILE» мобил иловаси орқали расмийлаштирилади. Сиз пластик картадаги пул маблағларингизни куннинг исталган вақтида банк биносига ташриф буюрмасдан омонатга ўтказишингиз ва ҳисобварақдаги маблағлар ҳаракатини масофадан туриб бошқаришингиз мумкин.

Ушбу омонатнинг сақланиш муددати — **3 ой**. Омонатга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда омонатчининг пластик картасига ўтказиб берилади. Омонатнинг фоиз миқдори — **14 фоиз (йиллик)**.

Шу билан бирга, «Асака» банки миллий ва хорижий валюталарда 30 дан ортиқ турда, қулай шартларда муддатли омонатларни таклиф этади. Омонатларни банкнинг барча филиалида расмийлаштириш мумкин.

Мурожаат учун «Асака» банки бош офиси телефонлари: (0-371) 120-39-81, 120-39-60.

Филиаллар	Код	Телефон	Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	(0-371)	120-83-13	Наманган вилояти филиали	(0-369)	227-15-68
Автотранспорт филиали	(0-371)	120-39-95	Навоий вилояти филиали	(0-436)	770-21-29
Шайхонтоҳур филиали	(0-371)	140-39-36	Зарафшон филиали	(0-436)	572-40-14
Юнусобод филиали	(0-371)	221-80-67	Бухоро вилояти филиали	(0-365)	770-05-19
Сергели филиали	(0-371)	257-44-10	Бухоро шаҳар филиали	(0-365)	770-11-27
Тошкент вилояти филиали	(0-371)	120-84-13	Самарқанд вилояти филиали	(0-366)	233-65-47
Андижон вилояти филиали	(0-374)	223-60-74	«Афросиёб» филиали	(0-366)	221-71-76
Асака филиали	(0-374)	233-21-99	Қашқадарё вилояти филиали	(0-375)	221-07-41
«Фарход» филиали	(0-374)	226-96-63	Сурхондарё вилояти филиали	(0-376)	770-82-12
Фарғона вилояти филиали	(0-373)	244-39-14	Қорақалпоғистон филиали	(0-361)	770-60-59
Марғилон филиали	(0-373)	237-62-23	Хоразм вилояти филиали	(0-362)	228-14-81
Олтиариқ филиали	(0-373)	432-19-80	Сирдарё вилояти филиали	(0-367)	225-44-03
Қўқон филиали	(0-373)	542-61-01	Жиззах вилояти филиали	(0-372)	226-43-11

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш жамғармаси томонидан кафолатланади.

www.asakabank.uz

Хизматлар лицензияланган.

«Асака» банки сармоянгизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!

«ХАЛҚ СЎЗИ»

ЭЪЛОНЛАР

КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача

232-11-15,
232-10-63.

E-mail: reklama@xs.uz

Тошкент молия институти жамоаси академик лицей ва касб-хунар коллежлари билан ишлаш бўйича проректор Хўжаёр Мусурманович Шеннаева онаси Мангит БЕГИМҚУЛОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 545. 112 896 нусхада босилди, ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.



Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзаси берилиши учун обунани расмийлаштиришга ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида термиди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланади.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» наприёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — З. Худойшукров.
Навбатчи — Д. Улуғмуродов.
Музаҳҳих — С. Исломов.

«Шарқ» наприёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 01.30 Топширилди — 03.15 1 2 3 4 5 6